

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №23.06

(Танлов комиссиясининг №106930 сонли "Жиззах ҲЭТК" АЖ биносини жорий таъмирлаш ишларини конкурс якуни якуни ва Е-Электрон савдоси натижалари буйича 23.06.2022 йилдаги карори асосида)

2022 йил «23 » июнь

Жиззах шахри.

"Жиззах худудий электр тармоқлари корхонаси" акционерлик жамияти асосий биноси ва ёрдамчи биноларини жорий таъмирлаш ва реконструкция ишлари буйича муассаса номидан низомга асосан иш юритувчи раҳбар Б.Х.Ибрагимов бундан буён матнларда «Буюртмачи» деб аталади биринчи тарафдан ва "AZIZ-ASAD" Хусусий корхонаси номидан Низомга асосан иш юритувчи ташкилот раҳбари Донаева Г.М бундан буён матнда "Пудратчи" деб юритилади, иккинчи тарафдан қуидагилар ушбу шартномани туздилар:

## 1. Шартнома предмети.

1.1. "Пудратчи" ўз зиммасига «Буюртмачи» нинг топшириғига кўра ўз материаллари ёки «Буюртмачи» нинг материаларидан фойдаланиб: Муассаса биносини лойиха-смета хужжатлари асосида белгиланган таъмирлаш ишларини бажариш, «Буюртмачи» эса бу ишларни кабул қилиб олиш ва уларга ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

## 2. Шартнома баҳоси.

2.1. Шартнома баҳоси ички тендер комиссиясининг карорига кура 164320221.00(Бир юз олтмиш турт миллион уч юз йигирма минг икки юз йигирма бир ) сумни ташкил этади.

2.2. Шартнома баҳоси ўз ичига бинони жорий таъмирлаш ишларини олади. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аникланган ва эркин танлов комиссиясининг карори билан тасдиқланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган холда, жорий нархларда (шу жумладан ҚҚС билан) жами 164320221.00(Бир юз олтмиш турт миллион уч юз йигирма минг икки юз йигирма бир) сумни ташкил этади.

Маскур обект лойиха-смета хужжатлари 2022 йил ишлаб чиқарилиши муносавати билан ишлар киймати ва материаллар нархлар қиматлашуви асословчи хисоб- фактуралар асосида кайта хисоб - китоб қилинади ва обект курилиши якуни билан таккослаш далолатномаси буюртмачининг вакиллари иштирокида келишуви билан узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чиқилиши мумкин эмас. Куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш муддатини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
- ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

2.3. Шартноманинг баҳоси тарафларнинг хар иккаласи томонидан маъқулланиб, «ўзгариши» мумкин. Шартнома баҳосидан ошиб кетиш билан боғлик харажатларни тўлаш ушбу шартноманинг З-бандида назарда тутилган тартибда Пудратчи томонидан амалга оширилади.

### 3. Тўлов шартлари.

3.1. Ушбу шартнома бўйича олдиндан шартнома кийматини 30 фоизи миқдорида ва кейинги тўловлар бунак тўлаш билан босқичма босқич асосида амалга оширилади.

Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, хар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб колишни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 95 фоизигача тулов амалга оширилади.

- Мазкур шартномада белгиланган объектнинг 5 фоизлик маблаги кафолат муддати тамом булгандан кейин амалга оширилади.

3.2. Тўлов шакли пул ўтказиш ва буюрмачининг қурилиш материаллари асосида бўлади.

(тўлов талабномаси, тулов топшириги, чек аккредитив ва бошкалар)

3.3. Шартнома бўйича охирги хисоб-китоб иш тўлиқ тамомлангандан кейин, 10 кундан кечиктирмай, (бунга ишни кабул килиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф килишни ҳам қушиб), Пудратчи томонидан амалга оширилади.

3.4. Пудратчининг тақдим этган хужжатларига асосан «Буюртмачи» бажарган ишларига тўлов тўғридан тўғри амалга оширилади.

### 4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари.

4.1. "Пудратчи" ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган муддатли режасида назарда тутилган муддатда бажаради.

4.2. «Буюртмачи», "Пудратчи" томонидан бажарилган ишга қуйидаги муддатда ҳактаъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилиб, далолатнома асосида топшириш ва қабул килиш ишлари амалга оширилгандан кейин тўлайди:

4.3. Шартномани амалда бўлиш муддати:

Июнь 2022 йил 23 июнь бошланиши.

сентябрь 2022 йил 23 санасигача тугалланиши.

### 5. Таравларнинг мажбуриятлари

#### 5.1. "Пудратчи":

5.1.1. ўз кучи ва воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла хажмда ва муддатида бажариши ва тегишли лойиха хужжатларидаги холатда ишларни «Буюртмачи»,га топшириши;

5.1.2. обекта лойихага биноан зарур бўлгаи материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни қабул килиш, тушириш, тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириши;

5.1.3. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан пудрат шартномаларини тузгани туғрисида «Буюртмачи»га ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

5.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва обектни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

5.1.5. Объект суғуртасини амалга ошириши шарт.

### 5.2. «Буюрмачи»:

5.2.1. Календар иш режасида белгиланган хажмда ва муддатда объектни "Пудратчи"га топшириши;

5.2.2. Ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларга, шартномада белгиланган микдорда ва муддатда бажарилиши ва хак тулаб бериши;

5.2.3. "Пудратчи"дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб икки хафта ичидаги объектни кабул килиши шарт.

5.2.4 Объекта лойихага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни "Пудратчи"га топшириш.

## 6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш муддатларини бузгандиги учун айборд тараф бошқа тарафга кечиктирган хар бир куни учун шартнома баҳосининг 0,4 фоизи микдорида жарима тўлади.

6.2. Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган холларда айборд тараф бошқа тарафга бой берилган фойдани қушиб, кўрган заарларни коплайди.

6.3. Жарима тўлаш тарафларни мажбуриятларни бажариш ёки бузилган хукукни бартараф, этишдан озод этмайди.

## 7. Форс- мажор ҳолатлари

7.1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташкари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ҳолатлар, бунга қушиб уруш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги, фукаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, ер кимирилаши, сув босиши, ёнғин ва бошқа табиий оғатлар билан боғлик холда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этадиганлигини Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб хисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар уч ой давомида мунтазам таъсир этадиган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, бошқа тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартнома бекор қилиниши мумкин.

## 8. Низоларни хал қилиш тартиби

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан хал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик судида кўрилишга тегишли бўлади.

## 9. Шартномага қушимча ва ўзгартишлар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага ҳар кандай киритилган қушимча ва ўзгартишлар ёзма равишида расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисидаги конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган заарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. «Буюрмачи» қуидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- "Пудратчи"нинг айби билан ишларнинг боришини сустлашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетгандা;

- "Пудратчи" шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайгандা.

9.4. "Пудратчи" қуидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

- "Буюртмачи" томонидан лойиха хужжатларига узгартишлар киритиши билан боғлик ҳолда ишларнинг баҳоси 10 фоиздан кўпга камайганда;

- "Буюртмачи" томонидан кейинчалик қурилишни молиялаш имконияти йукотилганда.

9.5. "Буюртмачи" ва «Пудратчи»нинг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганда, "Буюртмачи" га тутатилмаган қурилиш топширилади, "Буюртмачи" эса «Пудратчи»га улар томонидан аникланган бажарилган ишларнинг хажми кийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошка тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 10. Бошқа шартлар

10.1. Объектлар ва унга кирувчи инженерлик тизимлари, жихозлар, материаллар ҳамда ишларнинг меъёрида ишлашига кафолатланган муддати, унинг учинчи шахслар тарафидан кўзланган ниятда шикаст етказган ҳоллари бундан мустасно қилинади, объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вактдан бошлиб 12 ой давомида белгиланади.

10.2. Объектни ёпишга кафолатланган муддат 1(бир) йил.

10.3. Агар объектнинг кафолатланган фойдаланиш давомида унинг меъёрида фойдаланишга йўл бермайдиган камчиликлари аникланса, кафолат муддати улар бартараф қилгунга қадар бўлган вактгача узайтирилади. Камчиликларни бартараф қилиш «Пудратчи» хисобидан амалга оширилади.

10.4. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф қилиш муддатлари «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг икки томонлама далолатномасида акс эттирилади.

10.5. Агар «Пудратчи», «Буюртмачи»нинг аникланган камчиликлар далолатномасида кўрсатилган муддат ичida бажарилган ишларнинг, бунга жихозларини ҳам кўшиб, камчиликларини бартараф қилмаса, уларни «Пудратчи»га бўшқа бажарувчининг кучи билан, харажатларни «Пудратчи» томонидан тўлаши орқали бартараф қилишга ҳақли.

10.6. «Пудратчи» аникланган камчиликлар тасдиқлаш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош торттандা, «Буюртмачи» малака экспертизасини тайинлайди, экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини акс эттириш буйича тегишли далолатнома тузади ҳамда тарафни мазкур масала бўйича Хўжалик судига мурожаат қилиш хукукини мустасно килмайди.

10.7. «Пудратчи» қурилиш обьектининг лойиха хужжатларини ёки унинг айрим қисмларини «Буюртмачи»нинг ёзма рухсатисиз бирорта учинчи шахсларга сотиш ёки бериш хуқукига эга эмас.

10.8. «Пудратчи»нинг айби билан обьектни қуриш натижасида учинчи шахсларга етказилган зарар, «Пудратчи» нинг айби билан бўлса, Пудратчи томонидан товон тўланади. «Буюртмачи»барча холларда, хатто тегишли харажатларни «Пудратчи» томонидан коплаган тақдирда ҳам етказилган зарарни тугатиш учун тезкор чораларни кўради.

10.9. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, 2 ( икки ) нусхада тузилди.

10.10. Тарафларнинг хошилари бўйича бошқа шартлар:

10.11. Шартномага календар иш режаси илова килинади.

## 11. Тарафларнинг юридик манзиллари ва тўлов реквизитлари:

«Буюртмачи»:

Жиззах ҳудудий электр тармоқлар  
корхонаси акционерлик жамияти

Жиззах шаҳри, НаврузМФЙ, Боғзор  
кучаси 60 уй. ИНН200344721, МФО 01152

X/P 20210000900304459001

“O zsanoatqurilishBank” Жиззах  
Минтақавий филиали



M.y.

«Пудратчи»:

“AZIZ-ASAD” Хусусий корхонаси

Зарбдор тумани, Шодлик МФЙ

МФО 00685 ИНН 303998322 ОКОНХ  
61110

X/P 20208000900627959001

АТБ “Халқ банки” Зарбдор филиали



Данаева Г.М

(ФИШ)